

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ИНСТИТУТИ ВА ЧОРВАЧИЛИК,
ПАРРАНДАЧИЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИК ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017 Qx/V.12.02 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ДЖАББАРОВ ШУХРАТ АБДУМАЖИДОВИЧ

**ГЕЛЬМИНТОЗЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2017

УЎК.: 633.51+631.51.017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижиси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Джаббаров Шухрат Абдумажидович Гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирларининг самарадорлиги ва уни ошириш йўллари.....	3
Джаббаров Шухрат Абдумажидович Эффективность противогельминтозных мероприятий и пути её повышения.....	25
Djabbarov Shuxrat Abdumajidovich Efficiency of measures against helminthosis and ways of its improvement	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	49

*Институт Ахборот-ресурс марказига
DSc 27.06.2017 Qx/V.12.02 рақамли илмий кенгаш
илмий кенгаш А.С. Доминов 25.11.2017*

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ВА ЧОРВАЧИЛИК,
ПАРРАНДАЧИЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017 Qx/V.12.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ДЖАББАРОВ ШУХРАТ АБДУМАЖИДОВИЧ

**ГЕЛЬМИНТОЗЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2017
SamQXI Axborot
resurs markazi
Inv № 14223/1

к

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/V10 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samqxi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Орипов Анвар Орипович**
ветеринария фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Гафуров Ақтам Гафурович**
ветеринария фанлари доктори, профессор

Шакарбоев Эркинжон Бердикулович
биология фанлари доктори

Мавланов Собиржон Ибодуллаевич
ветеринария фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Л.М.Исаев номидаги Тиббий паразитология илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Чорвачилик, паррандчилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти DSc27.06.2017 Қх/V.12.02 рақамли илмий кенгашнинг «30» «ноябр» 2017 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-уй. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Тел.: (0366) 234-07-86; e-mail: saaiinfo2@edu.uz

Диссертация билан Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (15 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-уй.

Диссертация автореферати 2017 йил «18» ноябр кuni тарқатилди.
(2017 йил «18» ноябрдаги 15 рақамли реестр баённомаси)



Р.Б.Давлатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, вет.ф.д., профессор

А.С.Даминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, вет.ф.д., доцент

Қ.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг кўпчиликлари мамлакатларида гельминтозлар кенг тарқалган бўлиб, улар кўплаб чорва моллари, уй ва ёввойи ҳайвонларнинг бубуд бўлиши, маҳсулдорлигининг камайиши, кисири қолиши, ёш ҳайвонларни эса ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиши, ҳамда ҳайвон организмнинг бошқа касалликларга қарши резистентлигини пасайиши, бунинг натижасида сут маҳсулоти 15-30 фоизга, гўшт маҳсулоти эса 10-30 фоизга камайиши кузатилмоқда.¹ Ҳозирги вақтда, дунёнинг чорвачиликлари ривожланган барча мамлакатларида ушбу касалликларнинг этиологиясини аниқлаш, замонавий даволаш ва олдини олишнинг такомиллашган усуллари ишлаб чиқиш долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Дунёнинг кўпчиликлари минтақаларидаги айрим ноқулай экологик омилларнинг чорва моллари организмнинг резистентлигига салбий таъсир этиши билан бирга гельминтозларни қўзғатувчи паразитларнинг мослашиши ва кенг тарқалишига имкон яратади. Шундан келиб чиқиб, касалликларнинг тарқалиш даражасини аниқлаш, даволаш ва қарши кураш чора-тадбирларини ҳудудларнинг экологик ҳолатини эътиборга олган ҳолда олиб бориш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда мустақиллик йилларида чорвачиликлари тармоғини жадал ривожлантириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида чорва молларини турли юқумли, юқумсиз ва инвазион касалликларга чалиниши сезиларли даражада камайишига эришилди. Бу борада айниқса, ҳайвонларнинг гельминтоз касалликларини замонавий даволаш, эрта ташхис қўйиш ва профилактикаси борасидаги изланишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликни жадал ривожлантириш, чорва молларини соғлигини муҳофаза қилиш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ветеринария хизматларини такомиллаштириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб ҳайвонларнинг инвазион касалликларига қарши курашишда янги антгельминтик препаратлар яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги янги тахрирдаги Қонуни, Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841-сон «Чорвачилиқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3026-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария

¹ Атаев А.М. Экономическая эффективность ветеринарных мероприятий при фасциолёзе // Ветеринария - 1996. -№ 1. - С. 26.

қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация доирасидаги тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ ҳўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.²

Чорва моллари ва паррандаларнинг асосий гельминтозлари томонидан етказиладиган зарар уларга қарши кураш чора-тадбирларининг самарадорлиги ва уни ошириш йўллари бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Michigan Animal Diversity Web (АҚШ), Laboratory for Medical Microbiology (Голландия), Department of Pathology, Bacteriology and Poultry Diseases, Faculty of Veterinary Medicine (Германия), University of Veterinary and Pharmaceutical Sciences (Чехия), Division of Microbiology of Infections Diseases, Western Australian Centre for Pathology and Medical Research (Австралия), К.И.Скрябин номидаги Москва давлат ветеринария тиббиёти ва биотехнология академияси, К.И.Скрябин номидаги Бутунроссия гельминтология институти (Россия), Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофонди институти, Ветеринария илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Чорва моллари трематодозлари, цестодозлари, нематодозлари етказадиган зарар ва уларга қарши кураш чора-тадбирларининг самарадорлигини аниқлашга оид дунёда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: чорва моллари ва паррандалар орасида кенг тарқалган ва турли даражада зарар етказадиган, ҳайвонлардан одамга ва одамдан ҳайвонларга ўтадиган гельминтозлар аниқланган (University of Michigan Animal Diversity Web); чорва моллари организмда учрайдиган турли паразитар касалликларни аниқ ташхислаш, даволаш, улар организмда кечаётган морфологик, биокимийвий, иммунобиологик жараёнлар таҳлил қилинган (Laboratory for Medical Microbiology, Department of Pathology, Bacteriology and Poultry Diseases, Faculty of Veterinary Medicine); чорва молларининг асосий гельминтозларини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган (University of Veterinary and Pharmaceutical Sciences); турли ҳудудлардаги ҳайвонларнинг жигар ва ошқозон трематодозлари билан зарарланишини эрта ташхис қилиш усули ишлаб чиқилган (Veterinary scientific- research institute Uzbekistan).

Бугунги кунда дунёда ҳайвонларнинг инвазион касалликларни даволаш ва олдиди олиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор

² www.umich.edu; www.wur.nl; www.universities.com; www.tulane.edu

Йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: касалланган хайвонларни иммунологик, морфологик, биокимёвий текшириш услубларни такомиллаштириш; самарали антигельминт препаратларини қўллаш; такомиллашган қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда мустахкам иммунитет ҳосил қилувчи вакциналар яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда аграр соҳанинг етакчи тармоқларидан бири чорвачиликда амалга оширилаётган туб ислохатлар натижасида чорва молларининг бош сони йилдан-йилга кўпайиб, махсуддорлиги ошиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон шароитида чорва моллари гельминтозларининг эпизоотологияси, даволаш, профилактика чора-тадбирлари бўйича И.Х. Иргашев, Ш.А.Азимов, Д.А.Азимов, Н.М.Матчанов, Б.С.Салимов, А.О.Орипов, М.А.Аминжонов, Г.С.Пулатов, Р.Б.Давлатов, А.С.Даминов ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқотлар амалга оширилган.

Шунингдек дунё миқёсида турли географик-иклим минтақаларида, чорва моллари гельминтозларининг тур таркиби ва уларнинг тарқалиш даражаси аниқланган (А.М.Атаев, В.В.Кузьмичев, А.В.Зубов, М.Ш.Акбаев, А.Х.Волков, Р.Т.Сафиуллин, Э.И.Рехвиашвили, D.Dusyinski, L.Couch, S.Upton, D.A.Armstong, G.V.Malone, C.Mage, N.Mainge, S.Mathenge). Аммо, мазкур тадқиқотларда ҳам гельминтозлар келтириб чиқариладиган зарар тўлик ёритилмаган.

Республикамизда хўжалик юритишнинг янги шакллари фермер, ширкат, шахсий, ёрдамчи ва деҳқон фермер хўжаликларини ташкил этилиши чорва молларини парваришлаш ҳамда кўпайтиришга янгича ёндашувни талаб этмоқда. Чорва молларида учрайдиган турли паразитар касалликларни даволаш, олдини олиш ва қарши курашда замонавий ва самарали усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Диссертация тадқиқотлари Ветеринария илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ЗИ 1004 «Қорақўлчилик хўжаликларида гельминтозларнинг олдини олиш учун янги антгельминт-туз аралашмаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2003-2004 йй.); П-16.9 «Қорақалпоғистон Республикасида чорва молларининг асосий паразитар касалликларига қарши даволаш – профилактика тадбирларининг оптимал схемаларини ишлаб чиқиш» (2003-2005 йй.); ҚХА-10-015 «Чорва моллари гельминтозларига қарши янги услуб-воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2009-2011 йй.); ҚХИ-10-002 «Қуй гельминтозларига қарши химиопротектив воситаларни такомиллаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2009-2010 йй.); ИКХ-2012-5-6 «Қорамол ва қуй-эчкиларнинг асосий гельминтозаларига қарши маҳаллий антгельминт воситалар излаб топиш, уларни синовдан ўтказиш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2012-2013 йй.); ҚХИ-5-033-2014 «Маҳаллий хомашё ва воситалар асосида чорва моллари гельминтозларига қарши янги даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2014-2015 йй.) ҳамда ҚХА-9-021-

2015 “Чорва моллари ва паррандаларнинг гельминтозларига қарши кураш усуллари ва омилларини такомиллаштириш, янги даволаш-профилактика воситаларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш” (2015-2017 йй.) мавзуларидаги илмий-амалий ҳамда инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чорва моллари орасида кенг тарқалган асосий гельминтозлар етказадиган зарарнинг сабабларини аниқлаш, уларга қарши қўлланиладиган антгельминт препаратлар ва профилактик воситаларнинг самарадорлигини аниқлаш ва уни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гельминтлар, гельминтозлар, умуман гельминтологик омилнинг ҳайвонларга етказадиган зарарини аниқлаш;

чорва молларининг асосий трематодозлари ва улар томонидан етказиладиган зарар, уларга қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштириш;

чорва молларида учрайдиган асосий цестодозлар, улар етказадиган зарар ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини самарадорлигини аниқлаш;

чорва молларининг асосий нематодозлари ва улар етказадиган зарар ҳамда даволаш-профилактика чора-тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш;

паррандалар (товуқ)ларнинг асосий гельминтозлари ва улар етказадиган зарар ҳамда даволаш-профилактика чора-тадбирларининг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотларнинг объекти шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги чорва моллари, парранда (товуқлар), турли трематодлар, цестодлар ва нематодлар, уларнинг оралиқ хўжайинлари, тухум ва личинкалари, гельминтологик, малакологик тадқиқотлар материаллари, антгельминт воситалар, гельминтозларда кузатиладиган иқтисодий зарар ва даволаш – профилактика тадбирларнинг иқтисодий кўрсаткичлари.

Тадқиқотнинг предмети чорва моллари ва парранда (товуқ)ларда паразитлик қиладиган гельминтлар ва улар чақирадиган гельминтозларнинг тарқалиши, эпизоотологияси, асосий гельминтозларнинг чорвачилик ва паррандачилик соҳаларига етказадиган иқтисодий зарари ва антгельминт воситалар, даволаш – профилактика чора-тадбирларнинг иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар ва услублар.

Тадқиқот усуллари гельминтологик, эпизоотологик, клиник, гематологик, гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирларининг иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

республикамызда чорва молларининг асосий гельминтозлари етказадиган зарар ва уларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларининг самарадорлигини аниқлашнинг замонавий услуби ишлаб чиқилган;

чорва молларини (қорамол, қўй-эчкилар) орасида учрайдиган трематодозлар, цестодозлар, нематодозларга чалиниш натижасида чорва туёк сонининг кескин камайиши, маҳсулот миқдори ва сифатининг ҳамда наслчилик ишлари самарасининг пасайиши аниқланган;

чорва молларининг асосий гельминтозларига қарши қўлланилган турли замонавий антгельминт воситаларнинг самарадорлиги аниқланган;

қорақўлчилик хўжаликларига гельминтозларга қарши кимёвий профилактик восита — антгельминтли-туз аралашмаларни қўллаш асосида асосий гельминтозлар ва улар томонидан етказиладиган зарарнинг олди олинишига эришилган;

парранда (товуқ)лар организмнинг гельминтозларга қарши табиий чидамлилиги ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган жадаллаштирувчи воситалар — госсипренли ва микроэлементли озуқавий қўшимчалар ишлаб чиқилган ва самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

гельминтлар ва асосий гельминтозларнинг чорвачилик соҳасига етказадиган зарари аниқланиб, бу касалликларга қарши кураш услуб-воситаларининг самарадорлиги ва уни ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

чорва моллари орасида кенг тарқалган асосий трематодоз, цестодоз ва нематодозларнинг чорвачилик соҳасига етказадиган зарари ва гельминтозларга қарши чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилиб амалиётга тавсиялар берилган;

қорақўлчилик, умуман қўйчилик хўжаликларига қўй-эчкиларнинг асосий гельминтозларини олдини олишга қаратилган, янги антгельминтли-туз аралашмаларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган;

парранда (товуқ)лар организмнинг гельминтоз ва бошқа касалликларга табиий чидамлиги ва паррандалар маҳсулдорлигини оширишга қаратилган маҳаллий жадаллаштирувчи воситалар — фитобиогенлар ҳамда микроэлементли озуқавий қўшимчаларни қўллаш услублари ишлаб чиқилган ва уларнинг самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот натижаларининг ишончилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, гельминтологик, биоэкологик тадқиқотлар, даволаш-профилактика чора-тадбирларининг иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашда замонавий услублардан фойдаланилганлиги бирламчи маълумотларга статистик ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, шунингдек, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, тадқиқотлар натижалари далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлиги ва натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки чорва моллари ва

паррандаларнинг асосий гельминтозларининг республиканинг турли ҳудудларида тарқалиши, эпизоотологиясини таҳлил қилиш, уларга қарши кураш чора-тадбирлар, дегельминтизациянинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ва баҳолаш услуб-воситаларининг иқтисодий кўрсаткичлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқотлар натижасида чорва моллари орасида кенг тарқалган трематодозлар, цестодозлар, нематодозлар етказадиган зарар ва бу касалликларга қарши қўлланиладиган чора-тадбирларнинг самарадорлиги; парранда (товуқ)лар организмнинг гельминтозлар, умуман касалликларга қарши табиий чидамлилигини мустаҳкамлаш, паррандалар маҳсулдорлигини оширишга қаратилган жадаллаштирувчи воситалар – фитобиогенлар (госсипрен) ва микроэлементлар мажмуасини яратиш; чорвачилик ва ветеринария соҳаларида «гельминтологик фактор»нинг тутган роли, гельминтлар ва асосий гельминтозларнинг етказадиган иқтисодий зарари ва гельминтозларга қарши қўлланиладиган даволаш-профилактика чора-тадбирларининг самарадорлиги аниқланиб, ушбу маълумотлар асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат:

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

“Қорақўлчилик хўжаликларида гельминтозларга қарши кимёвий профилактика воситаси” (IAP 03349), “Майда шохли хайвонлардаги гельминтозларга қарши кимёвий профилактика воситаси” (IAP 03350) ва “Қўй ва эчкилардаги гельминтозларга қарши кимёвий профилактика воситаси” (IAP 03351) ишланмалари учун Интеллектуал Мулк Агентлигининг “Ихтиро”га патентлари олинган. Бунда қўй ва эчкиларнинг асосий гельминтозларга қарши курашишнинг гуруҳли дегельминтизация ва кимёвий профилактик воситаларини ишлаб чиқишга имконият яратилган;

чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда гельминтозларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларининг замонавий услуб-воситалари Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари қоракўлчилик хўжаликларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг 2017 йил 6 ноябрдаги 01/14-424-сон маълумотномаси). Бунда қўй ва эчкилар ошқозон-ичак нематодозлари ва цестодозларига қарши кимёвий профилактика воситалари – турли антигельминт-туз аралашмаларни қўллашнинг самарадорлиги ўртача ҳар бир бош мол ҳисобига 2726-8011,4 сўмни ташкил этган;

парранда (товуқ)лар маҳсулдорлигини рағбатлантирувчи восита – микроэлементли озуқавий қўшимча ва уни тайёрлаш усуллари Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари паррандачилик хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг 2017 йил 6 ноябрдаги 01/14-424-сон маълумотномаси). Бунда парранда (товуқ)ларни озиклантиришда фитоэстроген рағбатлантирувчи восита – госсипренли озуқавий қўшимчадан фойдаланиш ҳар бир бош жўжа (ёш товуқ) ҳисобига

йиллик қўшимча даромад 19,7 минг сўми, она товукларда эса 45,5 минг сўми ташкил этган.

Микроэлементли озуқавий қўшимчани қўллашдан эса бу парранда гурухларида мутаносиб тарзда 12,2 ва 43,2 минг сўмлик иктисодий самара олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида, 2007-2017 йилларда ВИТИнинг йиллик ҳисоботларида, бевосита вилоятлар, туманлар ва чорвачилик хўжаликларда ўтказилган 20 дан ортиқ илмий-амалий семинарларда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуи бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 3 та патент, 3 та тавсиялар, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чорва моллари асосий гельминтозлари етказадиган иктисодий зарар ва уларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларининг самарадорлиги**» деб номланган биринчи бобида диссертациянинг мавзуи бўйича чет-эл ва МХДда ҳамда Республикамизда олиб борилган тадқиқотлар бўйича адабиёт маълумотлари қайд этилган, чорва молларининг асосий гельминтозлари ва улар етказадиган иктисодий зарар, бу касалликлар туфайли чорва моллар сонининг ва маҳсулдорлигининг камайиши, унинг сифатининг ёмонлашиши каби маълумотлар баён этилган ва иктисодий таҳлил қилинган. Ушбу маълумотларнинг таҳлилига кўра чорва молларининг асосий гельминтозлари – фасциолёз, парамфистоматозлар, аноплоцефалитозлар, ошқозон-ичак нематодозлари, ларвал цестодозлар (эхинококкоз, ценуроз, цистоцеркоз) ва диктиокаулёз турли маҳсулдор моллар, айниқса қорамол ва қўй-эчкилар ҳамда парранда (товук)лар орасида кнг тарқалган, касалликларнинг оғир кечиши, яъни уларни қўзғатувчи потоген гельминтлар ҳайвон организмида чуқур патологик ўзгаришларни

келтириб чиқаради ва моллар махсулдорлигини кскин пасайтиради, айрим ҳолларда эса мол чиқимига сабаб бўлади.

Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш яна бир муҳим хулосага олиб келди: гельминтозлар бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотларнинг аксариятида улар тказадиган иқтисодий зарар ҳақида маълумот берилмаган, кўп ҳолларда эса иқтисодий зарарни фақат моддий ифодаси – тирик оғирлик, жун, сут ва тухум олиш каби кўрсаткичлар келтирилган. Бу маълумотлар ҳам бирор-бир иқтисодий тадқиқотларда қабул қилинган услуб ва иқтисодий таҳлилга асосланганлиги ҳақида тушунча бермайди.

Айниқса гельминтозларни даволаш ва олдини олишга қаратилган услуб-воситалар, чора-тадбирлар, турли антгельминт препаратлар ва кимёвий профилактика воситаларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги, турли воситаларнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича етарлича маълумотлар келтирилган.

Бу ҳолат эса ветеринария гльминтологиясида иқтисодий тадқиқотларни кенг-қўламда олиб бориш, гельминтозлар етказадиган зарар ва гельминтозларга қарши даволаш-профилактика услуб-воситалар, чора-тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва уни кўпайтириш йўллари ишлаб чиқиш муҳим илмий йўналиш эканлигидан далолат беради. Умуман, бир сўз билан айтганда “иқтисодий гельминтология” йўналишини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «Тадқиқотларнинг объекти хажми ва услублари» деб номланган иккинчи бобида чорва моллари асосий гльминтозлари етказадиган иқтисодий зарарни аниқлаш, гельминтозларга қарши даволаш ва профилактика чора-тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда дастлабки маълумотларни тўплаш, бу чора-тадбирлар учун қилинадиган харажатларни аниқлаш ва ҳисобга олиш усуллари, яъни иқтисодиётда қабул қилинган замановий услублар, янги техника ва технолоиялар асосида олиб бориладиган ҳисоб-китоб ишлар тартиби, иқтисодий тушунчалар, формулалар келтирилган.

Илк бор, “Гльминтология фани ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш”, “Чорвачилик хўжаликлариде ветеринария хизматини, жумладан гельминтозларга қарши чора-тадбирлар ўтказишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш”, “Гельминтозларга қарши даволаш-профилактика тадбирларини ўтказишда ЭХМ хизматидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш” каби янги йўналишлар бўйича маълумотлар, уларнинг тамойиллари ва услублари акс этдирилган.

Жумладан, чорва моллари асосий гльминтозлари етказадиган иқтисодий зарарни аниқлаш, гельминтозларга қарши чора-тадбирларни иқтисодий самарадорлигини аниқлашда дастлабки маълумотларни тўплаш, гельминтозлар етказадиган зарарни аниқлаш, гельминтозларга қарши даволаш профилактика тадбирлари учун қилинадиган харажатлар ҳамда уларнинг самарадорлиқларини аниқлаш каби йўналишларда тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотларни олиб боришда иқтисодфанида қабул

килинган замонавий услублардан фойдаланилган, аник коэффицент ва иктисодий тахлил коидаларига амал килинган.

Ушбу услуб-воситалар ва иктисодий кўрсаткичлар асосида чорва моллари асосий гельминтозларидан қорамолларнинг фасциолёз ва парамфистоматозлари, қўй-эчкиларнинг цестодозлари (мониезиоз) ва нематодозлари етказадиган зарар ва уларга қарши қўлланиладиган замонавий антгельминт препаратлар, даволаш-профилактика услуб-воситалари ва чора-тадбирларнинг самараси аниқланиб таққосий тахлил килинган.

Гельминтозларга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширадиган ва чорва моллари, жумладан парранда (товук)лар махсулдорлигини жадаллаштирувчи воситалар – госсипрен ва микроэлементлар йиғиндиси асосида ишлаб чиқилган озукавий қўшимчаларнинг иктисодий кўрсаткичлари аниқланган.

Республикамызда чорва моллари орасида кенг тарқалган, асосий гельминтозлар томонидан чорвачилик соҳасига етказадиган моддий (иктисодий) зарар, бу касалликларга қарши замонавий чора-тадбирлар ўтказишнинг иктисодий самарадорлиги ва уни ошириш йўллари, амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли олинган қўшимча махсулот, қўшимча даромад ва тежаб қолинган маблағлар каби бир-бутун иктисодий кўрсаткичлари аниқланган.

Диссертациянинг «**Чорва моллари трематодозларининг иктисодий зарари ва уларга қарши курашнинг самарадорлиги**» деб номланган учинчи бобида ушбу йўналиш бўйича адабиёт маълумотлари, тадқиқотларнинг натижалари баён этилган.

Адабиёт маълумотларининг тахлиliga кўра дунёнинг турли мамлакатлари, МДХ шу жумладан Россия Федерациясининг кўпгина ўлка ва вилоятлари ҳамда Марказий Осиё ва Ўзбекистонда чорва моллари, айниқса қорамол ва қўй-эчкилар орасида фасциолёз ва парамфистоматозлар (парамфистомоз, каликофороз, лиорхоз ва гастротилаксоз) чорвачилик соҳасига катта иктисодий зарар келтириши давом этмоқда.

Жумладан, Россия Федерациясининг Ивановск вилоятида қорамоллар фасциолёзи туфайли сут ишлаб чиқариш бир йилда ўртача 2,5-3,2 млн., гўшт етиштириш эса 7,4-9,6 млн. рублга камайган (Х.С.Абдуллаев, 1995).

Ўзбекистонда ҳам фасциолёз ва парамфистоматозлар (каликофороз, лиорхоз, гастротилаксоз) каби трематодозлар ҳам кенг тарқалган ва сезиларли иктисодий зарар етказадиган гельминтозлар сирасига кириши таъкидланади (Б.С.Салимов, Б.Хошимов, 2008). Парамфистоматлар билан Самарқанд вилоятининг Ургут, Тайлоқ, Пайарик, Иштихон, Пастдарғом ва Каттакўрғон туманларида 50-80 фоиз қорамоллар зарарланганлиги аниқланган (А.С.Даминов, 2009).

Фасциолёз, ориентобильгарциоз ва парамфистоматозларнинг турли биогеоценозларда кенг тарқалгани аниқланган муаллиф бу инвазияларга қарши чора-тадбирларнинг самарали услубларини ишлаб чиқишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди (Ш.Қурбонов, 2009).

Самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқишнинг яна бир муҳим томони, айниқса ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида, гельминтозлар етказадиган иқтисодий зарарни аниқлаш билан бир қаторда, уларга қарши қўлланиладиган турли даволаш – профилактика услуб – воситаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва уни ошириш омили ва йўллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар чорва молларининг кенг тарқалган ва хавфли трематодозлари – фасциолёз ва парамфистоматозлар етказадиган иқтисодий зарарнинг шаклланиши ва ҳажми ҳамда бу касалликларга қарши даволаш-профилактика воситалари ва услубларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга қаратилган.

Тадқиқотлар ҳозирги даврда амал қилаётган нарх-наво, яъни чорвачилик маҳсулотлари, гельминтозларга қарши қўлланиладиган доридармонлар (антгельминт препаратлар)нинг нархи, касалликларга қарши ўтказиладиган чора-тадбирларга қилинадиган сарф-харажатларнинг ҳажми асосида, ҳамда иқтисодиёт фани ва амалиётида қўлланиладиган замонавий услублар ёрдамида олиб борилган.

Гельминтозлар шу жумладан трематодозларнинг ҳам, иқтисодий зарари ва уларга қарши курашнинг самарадорлигини аниқлашда биз “Методика определения экономической эффективности ветеринарных мероприятий» (Москва, 1982 г.) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазириликнинг Давлат Ветеринария Бош бошқармаси томонидан 1994 йилда тасдиқланган “Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари касалликларидан келадиган иқтисодий зарарни аниқлаш услубий тавсияномаси” (Тайлоқ 1994 й.), академик К.И.Скрябин номидаги Москва Давлат ветеринария медицинаси ва биотехнологияси академиясида Ю.Е.Шатохин ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган ва Россия Федерацияси Ветеринария Департаменти томонидан 1997 йилда тасдиқланган “Методика определения экономической эффективности ветеринарных мероприятий” ҳамда, ўзимизда, яъни ЎзВИТИда А.О.Орипов ва В.А.Середин томонидан ишлаб чиқилган “Методика определения экономической эффективности противогельминтных мероприятий” (Самарканд – Тайлак, 1994) ва Давлат Ветеринария Бош бошқармаси томонидан 2017 йилнинг 15 мартда тасдиқланган “Ветеринария чора-тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича услубий қўлланма”дан фойдаландик.

Трематодозларга қарши қўлланиладиган турли антгельминт препаратлар (восита) ва услубларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда уларнинг қуйидаги нархлари (ҳозирги даврдаги нархлар) асос қилиб олинади: фаскоцид 100 донаси 45000 сўм; 10%ли албендазол суспензияси, 1 литри 45000 сўм; роленол 100 мл (инъекция учун) – 27000 сўм; клозантел, 250 мл (инъекция учун) – 37000 сўм; гелмицид 100 дона таблетка – 40000 сўм; албен (табл.), 100 дона – 32000 сўм.

Тадқиқотлар натижаларига кўра 420 бош қорамол парваришланаётган шартли хўжалиқда фасциолёз етказадиган иқтисодий зарар (1-жадвал) 217 млн. сўмни ташкил қилади, бу касалликка қарши даволаш-профилактика

чора-тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги эса атиги 2,63 млн. сўмни ташкил қилиши аниқланган.

1 жадвал

Қорамоллар фасциоллэзининг хўжаликка етказадиган иқтисодий зарари (n=420).

Т/р	Иқтисодий зарар турлари	Иқтисодий зарар сўммаси (млн. сўм)
1.	Касаллик оқибатида мажбурий сўйилган 6 бош қорамоллардан келадиган иқтисодий зарар (З ₁)	6,3
2.	Касаллик туфайли чорвачилик маҳсулотларининг (гўшт ва сут маҳсулотлари) камайиши оқибатида келадиган иқтисодий зарар (З ₂)	207,3
3.	Касалланган 84 бош қорамолларнинг танаси, ички аъзолари ва бошқа маҳсулотларини йўқ қилишдан келадиган зарар (З ₃)	3,3
4.	Касаллик оқибатида хўжаликка келадиган умумий зарар (З _у)	217,0
5.	Касалланган 84 бош чорва хайвонларидан кам олинган чорва маҳсулотларининг умумий сўммаси.	2,6

Фасциолэзни даволашда қўлланиладиган турли антгельминт препаратлар – фаскоцид, албендазол, роленол, клозантел, гелмицид ва албен ҳар бир бош қорамолда аниқланган иқтисодий самара мутаносиб тарзда 2,1; 1,2; 6,2; 3,8; 2,7 ва 1,6 минг сўмни ташкил қилишини ҳисобга олганда бу препаратлар орасида роленол ва клозантел энг юқори самарага эга эканлиги аниқланган (2-жадвал).

Диссертациянинг 1-бобида келтирилган адабиёт маълумотларига кўра, жумладан А.С.Даминов (2016) томонидан Республикамининг Самарканд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг суғориладиган ва тоғ-тоғолди ҳудудларида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, қорамоллар орасида трематодозларнинг яна бир гуруҳи парамфистоматозлар (парамфистомоз, каликофороз, лиорхоз ва гастротиликсозлар) охириги йилларда кенг тарқалганлиги аниқланди. Бу ҳолатни эътиборга олиб илк бор бу гельминтозлар етказадиган иқтисодий зарар ва уларга қарши курашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Қорамолларнинг парамфистоматозлари (парамфистомоз, лиорхоз, каликофороз ва гастротиликсоз) етказадиган иқтисодий зарар (420 бош қорамол сақландиган хўжаликда) 84,2 млн. сўмни ҳар бир бош молга эса 2,6 млн. сўмни ташкил қилиши (3-жадвал), бу касалликни олдини олиш натижасида олинган қўшимча фойда 96,0 минг сўмни ташкил қилди.

2 жадвал

**Фасциолёзга қарши турли антгельминт препаратлар қўллаш
натижасида олинган иктисодий самарадорлик.**

Т/ р	Курсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Антгельминт препаратларининг номи					
			фаскоцид	10% албазен	роленол	5% клозантел	гелмицид	албен (габ)
1.	Хайвонлар сони	бош	420	420	420	420	420	420
2.	Касаллик аниқланган хайвонлар сони	бош	84	84	84	84	84	84
3.	Дегельминтизациянинг таннархи (С)	минг. сўм	3,6	1,8	10,8	5,9	4,8	2,7
4.	Иктисодий зарарнинг умумий миклори (у)	млн. сўм	217,0	217,0	217,0	217,0	217,0	217,0
5.	Жами иктисодий самарадорлик	млн. сўм	861,8	483,8	2585,6	1591,3	1149,1	688,1
	Касалликни даволаш натижасида ҳар 1 бош хайвон учун иктисодий самарадорлик	млн. сўм	2,1	1,2	6,2	3,8	2,7	1,6

3 жадвал

Қорамоллар парамфистоматозларининг хўжаликка етказадиган иктисодий зарари (n=420).

Т/р	Зарар турлари	Сўм (млн. сўм)
1.	Касаллик оқибатида мажбурий сўйилган 4 бош қорамоллардан келадиган иктисодий зарар (З ₁)	1,6
2.	Касаллик туфайли чорвачилик маҳсулотларининг (гўшт ва сут маҳсулотлари) камайиши оқибатида келадиган иктисодий зарар (З ₂)	79,0
3.	Касалланган 32 бош қорамолларнинг танаси, ички аъзолари ва бошқа маҳсулотларини йўқ қилишдан келадиган зарар (З ₃)	3,6
4.	Касаллик оқибатида хўжаликка келадиган умумий зарар (З _у)	84,2
5.	Касалланган 32 бош чорва хайвонларидан кам олинган чорва маҳсулотларининг умумий суммаси.	2,6

Парамфистоматозларни даволашда қўлланиладиган анитгельминт препаратлар ҳар бир бош касалланган молга 0,278-1,4 млн. сўм, улардан энг юқори самара (1,4 млн. сўм) клозантел, энг паст самара (0,278 млн. сўм) сантомектин кўрсатиши аниқланди (4-жадвал).

4 жадвал

Парамфистоматозларга қарши турли антгельминт препаратлар қўллаш натижасида олинган иқтисодий самарадорлик.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Антгельминт препаратларининг номи					
			фаскоцид	10% албазен	5% клозантел	гельмицид	албен	сантомектин +2
1.	Ҳайвонлар сони	бош	420	420	420	420	420	420
2.	Касаллик аниқланган ҳайвонлар сони	бош	32	32	32	32	32	32
3.	Дегельминтизациянинг таннари (С)	минг. сўм	4,5	1,8	5,9	4,8	2,5	1,2
4.	Иқтисодий зарарнинг умумий миқдори (у)	млн. сўм	84,2	84,2	84,2	84,2	84,2	84,2
5.	Жами иқтисодий самарадорлик	млн. сўм	410,4	184,3	606,2	437,7	262,1	116,7
	Касалликни даволаш натижасида ҳар бир бош ҳайвон учун иқтисодий самарадорлик	млн. сўм	1,0	0,439	1,4	1,0	0,624	0,278

Шундай қилиб, олинган натижаларни таҳлил қилиб хулоса қилиш мумкинки, чорвачилик, айниқса қорамолчилик хўжалиқларига фасциолез ва парамфистоматозлар гуруҳига мансуб трематодозлар улкан иқтисодий зарар етказди ва бу соҳанинг раванкига жиддий тўсиқ бўлиб ҳисобланади.

Трематодозлар, жумладан фасциолез ва парамфистоматозларга қарши қўлланиладиган антгельминт препаратлар – фаскоцид, 10%ли албендазол суспензияси, 5%ли клозантел, гельмицид, албен (таблеткалари), сантомектин каби воситалардан энг юқори самара 5%ли клозантел, энг паст самара эса албен (табл.) препаратларидан олинди аниқланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки юқорида қайд қилинган антгельминт препаратларнинг самарадорлиги турлича бўлиши билан бирганликда улар 100% чет-эл препаратлари бўлиб шунга эътибор

resurs markazi

Inv. № 223/4

килинади. Иккинчи томондан бу препаратларнинг самарали турлари (клизантел, роленол, фаскоцид)нинг нархлари анча юқори ва камчин воситалар бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун, гельминтозлар, шу жумладан трематодозлар – фасциолёз, парамфистоматозларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, бу мақсадлар учун маҳаллий, яъни ўзимизда ишлаб чиқилмаган, арзон ва топиладиган препаратлар яратиш, уларни ишлаб чиқариб қўллаш усулларини ишлаб чиқиш ва бу илмий ечилмаларни чорвачилик соҳасига кенг-қўламда тадбиқ этиш лозим. Бу эса ветеринария чора-тадбирларининг жумладан гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш йўллари бўлиб ҳисобланади.

